

“ЎзКоджи” акциядорлик жамияти
Ўзбекистон – Корея қўшма
корхонаси
Кузатув кенгашининг
« 20» июн 2016 йилдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
(таржима)

**“ЎЗКОДЖИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН –
КОРЕЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

**АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	3
III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ЭТИЛИШИ МАЖБУРИЙ БҮЛГАН АХБОРОТЛАР РҮЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ	4
IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ ВА РЎЙХАТИ.....	5
V. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ.....	6
VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИНГ НАЗОРАТ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР	7
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	7

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ахборот сиёсати тўғрисидаги ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 йилдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 31.12.2013 йилдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари» (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган) ва Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу Низом ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборот ва хужжатларни, шунингдек уларнинг “ЎзКоджи” акциядорлик жамияти Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси (кейинги ўринларда – Жамият) томонидан тақдим этилиши тартиби ва муддатларини белгилайди.

2. Акциядорларнинг, инвесторларнинг, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ва бошқа манфаатдор шахслар(кейинги ўринларда – манфаатдор шахслар)нинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган ахборот эҳтиёжини қондириш йўли билан Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш ахборот сиёсатининг мақсади ҳисобланади.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида уларнинг инвестиция ва бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун муҳим ишончли ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Жамият тўғрисидаги махфий ахборотни ҳимоялашга йўналтирилади.

4. Ахборотни тижорат сири тоифасига киритиш тартиби, ундан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилаш Жамият томонидан «Тижорат сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланади.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Мунтазамлик, тезкорлик, фойдалана олишлиқ, тўлиқлик, teng ҳуқуқлилик, мутаносиблик ва ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинганлиги ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

6. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисидаги ахборотни доимий асосда тақдим этишга йўналтирилади.

7. Тезкорлик тамойили Жамиятнинг манфаатдор шахсларни қиска муддатларда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, шунингдек унинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим ҳодиса ва фактлар тўғрисида хабардор қилишини англатади.

8. Ахборотдан фойдалана олишлиқ деганда, манфаатдор шахсларнинг Жамиятнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиладиган ахборотдан эркин, бажарилиши қийин бўлмаган ва барча нарсага баравар таъсир кўрсатадиган тарзда фойдаланишини таъминлайдиган тарқатиш каналлари ва усувларидан фойдаланиши тушунилади.

9. Тўлиқлик тамойили Жамиятнинг барча манфаатдор шахсларга амалдаги ҳолатга мувофиқ ўзи тўғрисидаги салбий ахборотни ошкор этишдан чекинмаган ҳолда, Жамият тўғрисида, Жамият фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлақонли тасаввур шакллантиришга имкон берадиган ҳажмдаги ахборотни тақдим этишини англатади.

10. Тенг ҳуқуқлилик тамойили Жамиятнинг барча манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишда ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар таъминлашини англатади.

11. Мутаносиблик тамойили Жамиятнинг очиқлиги ва шаффоғлиги ўртасида оқилона мувозанатга риоя этилишини ва унинг тижорат манфаатлари таъминланишини кўзда тутади. Бунда қуидагилар мажбурий шарт ҳисобланади:

махфий ахборотни ҳимоя қилиш;

қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш.

12. Ҳимоя қилинганлик тамойили тижорат сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган ёки махфий ахборот ҳисобланадиган ахборотдан қонун ҳужжатларида рухsat этилган усуllарда ва воситаларда фойдаланишни назарда тутади.

III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ЭТИЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

13. Жамият ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 йилдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 31.12.2013 йилдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари» (2012 йил 31 июля 2383-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усуllарда ошкор этади.

14. Ахборотни мажбурий равишда ошкор этиш қуидагича амалга оширилади:

корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);

фонд биржасининг расмий веб-сайтида(www.uzse.uz);

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

оммавий ахборот воситаларида.

15. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида ошкор этилиши мажбурий ҳисобланган ахборотларга эга ҳужжатлар сирасига қуидагилар киради:

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган ҳолларда);

Жамиятнинг йиллик хисоботи, шу жумладан Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган хисобот;

Жамиятнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўқиз ой якунларига доир хисоботи;

Жамиятнинг фаолиятидаги мухим факт ҳақидаги хабар.

Жамият юқорида қайд этилган ахборотни «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари»да (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган) белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор этади.

16. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган ва (ёки) унда бўлган ҳолларда, Жамият барча зарур ахборотларни биржа бўллетени тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор этади.

17. Жамият расмий веб-сайтга (www.uzkoje.uz) эга ва унда рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 йилдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган ахборотни ошкор этишни таъминлайди.

18. Қуйидаги ахборотлар оммавий ахборот воситаларида мажбурий равишда ошкор этилиши шарт:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар;

Жамиятнинг жойлашган ери(пошли адреси) ва электрон почта адреси ўзгарганлиги тўғрисидаги билдиришнома;

Жамиятнинг имтиёзли ҳуқукка эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиш таклифи;

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ахборот;

Жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборот.

IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ ВА РЎЙХАТИ

19. Жамият веб-сайтнинг давлат тилидаги версиясида мавжуд барча ахборотни тегишли тилга таржима қилиб жойлаштирган ҳолда, унинг барча манфаатдор шахслар учун қулай бўлган инглиз, рус ва бошқа тиллардаги версиясини яратиш йўли билан Жамиятнинг расмий веб-сайтини такомиллаштиришни таъминлайди.

20. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор этади:

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва унга риоя этиш тўғрисидаги ахборот;

Ижроия органи тўғрисидаги, шу жумладан ушбу Жамиятдаги иш даври тўғрисидаги маълумот;

Жамият ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини ва корпоратиув бошқарув тизимини баҳолаш натижалари;

Жамият акцияларининг 20 фоизидан кўпига эгалик қиладиган акциядорлар тўғрисидаги ахборот;

тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда ва дивидендлар миқдорини асослаш, уларнинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтирилишини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

Жамиятнинг кутилаётган соф фойдани кўрсатган ҳолда, инвестиция лойихалари шаклида амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкциялаш ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш бўйича режалари;

мавжуд бўлган тақдирда, акция котировкалари бўйича ахборот, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, эксперtlар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари;

мавжуд бўлган тақдирда, Жамият бизнеси турлари бўйича капитал миқдори кўрсаткичлари ва Жамият капиталининг ўртacha ҳисобланган миқдори;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартлари ва бу борада қарор қабул қилиш, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам тўғрисидаги ахборот.

21. Кузатув кенгаши ва ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори тўғрисидаги ахборот Акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор этилади ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

22. Жамият қонун хужжатларида ахборотни ошкор этиш кўзда тутилган бошқа манбаларда ҳам Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилишини таъминлайди.

V. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЎЗОЛАРИ, ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

23. Жамият бошқарув органлари аЎзолари, мансабдор шахслар, Жамият ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиш учун ахборот алмашишини амалга оширадиган масъул ходимни тайинлайди.

24. Жамиятнинг масъул ходими манфаатдор шахсларнинг ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим этишга доир ёзма (электрон) талабига кўра бир хафта давомида агар қонун хужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, барча зарур ахборотни электрон кўринишда тақдим этади.

25. Хужжатларнинг нусхасини тақдим этиш зарурати туғилганда, манфаатдор шахс миқдори хужжатлар нусхасини тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ ва хужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

26. Акциядорлар Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ЭТИЛИШИННИГ НАЗОРАТ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР

27. Жамиятнинг корпоратив котиби (агар бўлса) ёки акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармасининг масъул ходими, ҳисобчи, шунингдек ушбу ваколатлар берилган шахс ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни ошкор этилиши учун ва Жамият тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ахборот ошкор этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Бошқа шахслар Жамият номидан иш кўришга ҳақли эмас, Ижроия органи раҳбари ва унинг ўринbosарлари бундан мустасно.

28. Жамият ижроия органи раҳбари ахборотнинг тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ошкор этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

29. Жамият Кузатув кенгashi ҳар чоракда ижроия органининг ушбу Низом талаблари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисботини эшитади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Жамият ижроия органи ушбу Низомга мувофиқ ошкор этиладиган ахборотнинг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор этилиши ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан ва унга ҳақ (бонус) тўлаш шартларидан бири ҳисобланади.

31. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбордor шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32. Ушбу Низом Кузатув кенгashi мажлисида иштирок этган ёки сиртдан овоз беришда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган Жамият Кузатув кенгashi қарорига асосан тасдиқланади.

33. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Кузатув кенгashi аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Жамият Кузатув кенгashi қарорига кўра киритилади.

34. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.